



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 4 март, № 46 (7548)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

## 2020 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва аъёнларимиз қатори Наврўз байрамнинг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгилаш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-маъмунига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай бекиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрами Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овуларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича “Наврўзинг — янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистони!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрами ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастури тайёрлашда барча тадбирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукро-

налик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгига юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аъёнларига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аъёнларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш; халқимизга хос бўлган меҳр-муруват, аҳиллик ва ҳамжихатлик фазилатлари асосида нуруний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғарас ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, аъёна ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлиши Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш; тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қўйидагиларни назарда tutувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чоратадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хибонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий

усулбда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатиш; жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшлар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очик ошоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хибонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна расмолари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

### БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ УЧУН АСОСИЙ ПОЙДЕВОР ЯРАТИБ БЕРАДИ

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунамиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашингизни амалга ошираётган барча-барча ислохотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи бутун дунёда долзарблигини йўқотмаган. Бу бежиз эмас, чунки гендер тенгликка эришиш жамият ҳаётининг барча жабҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун асосий пойдевор яратиб беради.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан ўрин олган гендер тенглик барча давлатлар учун ўта долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон учун ушбу соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, ундан Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун барча шароитни яратиш масалалари алоҳида ўрин олган.

Шу асосда юртимизда охириги йилларда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фоллигини юксалтириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Газетамизнинг 2-саҳифасида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларга оид туркум мақолаларни ўқишингиз мумкин.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Цзян Янь,  
ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси

## ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАР МАСАЛАСИДА ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТЯПТИ?



Хитойда “Аёллар ўз елкаларида зангори осмоннинг ярмини кўтариб турадилар”, ўзбек халқида эса “Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратида” каби ибратли мақоллар бор. Дарҳақиқат, Хитой ва Ўзбекистон аёллари жамият ҳаётининг турли жабҳа-

Барчамиз интиқиб кутган баҳор фаслининг илк кунларида ажойиб баҳорий байрам — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланади. Шу фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, мен Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси номидан барча опа-сингилларни ушбу гўзаллик ва қувонч айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

ларига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан иштирок этиб, қўйинчиликларини собитқадамлик билан энгиб бораётганликлари, фаолликлари — уларнинг қатъий ишончи, матонат ва кенг имкониётларидан далолатдир. Бу, ўз навбатида, жамият тараққиёти ва белгиланган мақсадларнинг амалга

ошиши ҳамда муваффақиятга эришишни таъминловчи қудратли омилдир. Хитой ва Ўзбекистонда аёллар масаласига катта эътибор кўрсатилмоқда. Кейинги йилларда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи тобора юксалиб борапти.



### 4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун

## Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодир



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги уч йил ичида ана шу мақсадда 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз таъбири би-

лан айтганда, “... тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун аҳолиимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз”.



## ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

Кеча Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзуида халқаро конференция ўз ишини бошлади.




Юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан муқаддас ислом дини ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг алломалар ҳаёти ва фаолияти, уларнинг бой меросини чуқур ўрганишга қаратилаётган юксак эътибор туфайли Имом Мотуридий ва унинг мотуридия таълимоти ҳам кенг тадқиқ қилинаётгани қайд этилди.



## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

YUKSALISH  
UNIONNALLY KALAMAT





## ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ УЧУН АСОСИЙ ПОЙДЕВОР ЯРАТИБ БЕРАДИ

Бугун Ўзбекистон аёллари барча жабҳада фаол. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони ошди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил илгари, яъни 2014 йилда 128-ўринда эди.

## ОРАМИЗДАН ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНМОҚДА



Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг аҳамияти катта.

Энг аввало, Ўзбекистонда бу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Президентимизнинг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, "Хотин-қизлар ва эъраволикдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистонда ҳам БМТ томонидан ишлаб чиқилган Барқарор ривожла-

ниш мақсадлари доирасида 2030 йилгача мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича бир қатор мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган йиллар мобайнида аёллар манфаати ҳимоясига йўналтирилган қарийб 100 га яқин миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ратификация қилинди. Ҳар йили муайян йўналишда қабул қилинаётган махсус давлат дастурларининг ҳаёта татиқ этилиши доирасидаги чора-тадбирлар аёлларимизнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилашга ҳам дахлдордир.

Мазкур муҳим масалаларга тизимли ёндашув туфайлигина ана шундай натижалар қўлга киритилмоқда. Чунки мамлакатимизда нафақат мустақкам ҳуқуқий замин, балки самарали институционал база ҳам шакллантирилди. Аёллар, оила масалалари парламент даражасида муҳокама қилинадиган бўлди. Сенатда алоҳида қўмита, Қонунчилик палатасида эса комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича республика комиссияси ўз фаолиятини олиб бормоқда. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича барча мутасадди ташкилот ва вазирликлар билан биргаликда Стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент Фар-

мони билан Маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Натижалар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки борган сари фаол тус олмақда. Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг қарийб 25 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи хотин-қизлардан иборатдир. Аёллар орасидан ҳокимлар тайинланмоқда. Қисқача айтганда, бугун жамият ҳаётида хотин-қизларимиз ўрни ва уларнинг ҳиссаси бекиёсдир.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётгани шу соҳада олиб борилаётган сиёсат ва аёлларимизнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Зеро, мамлакатимизда жамият ҳамда давлат ишларини бошқариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ҳамда жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркекларнинг тенг иштироки ҳуқуқий асослар билан кафолатлангани муҳим аҳамият касб этади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Хотин-қизлар ва гендер  
тенглик масалалари  
қўмитаси раиси.

## СИЁСАТ МАЙДОНИДА ҲАМ ФАОЛ



Аёл — оиламиз кўрки, қувончи, файзу фаршаси, хонадонларимиз чароғбони, умуман айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳамisha эъзозда ва эътиборда. Оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссаси бекиёс.

Мамлакатимизда опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оиладаги нуфузини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг манфаатлари қўнунларда акс этаётгани, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқий асоснинг такомиллаштириб борилаётгани эътиборга молик.

Эътироф этиш керак, сўнгги уч йилда юртимизда

гендер тенгликни таъминлаш ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг родини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсати изчил рўёбга чиқарилмоқда. Олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида сайлов жараёнида аёлларнинг иштироки бўйича сезиларли ютуқларга эришилганини кўриш мумкин.

Хусусан, ўтган йили рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 42,1 фоизини аёллар ташкил этиб, сайловлар натижалари кўра, 48 нафар аёл депутатликка сайланди. Бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Шу рақамнинг ўзиёқ, мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор ва яратилаётган имконият катта эканини кўрсатади. Бинобарин, Сайлов кодексида аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Парламентда, умуман, сиёсат майдонида аёллар иштироки кенгаётганининг муҳим жиҳатлари бор. Аввало, бу халқчил қонунларнинг

яратилишига, ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар ва оилалар масалалари устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг қуни кеча қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам аёллар масаласига доир вазифалар алоҳида белгилангани диққатга сазовор. Чунончи, унга мувофиқ, касбга ўқиш истгани билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар учун қўндалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, жумладан, тикувчилик, ласандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чоралари кўрилади. Албатта, бу оилалар фаровонлигини таъминлаш, опа-сингилларимиз имкониятларини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати.

**Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 МИНГ 388 НАФАР аёл раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи айнан хотин-қизлардир.**

## ОНАМНИНГ ҒАЙРАТИДАН КУЧ ОЛАМАН



Мендек оддий бир оила фарзанди, аёл кишига масъулиятли ва залворли лавозим — ҳокимлик вазифасининг ишониб топширилгани бу, аввало, юртимиздаги барча ўзбек хотин-қизларига бўлган юксак эътибор, деб биламан. Шу билан бирга, ушбу вазифа замирида минглаб, миллионлаб юртдош аёлларимизнинг шаъни, обрўси муҳассам эканлигини ҳам чуқур ҳис этаман.

Босиб ўтаётган йўлимга боқсам, дафъатан онажоним ёдимга тушади. Оилада 10 нафар фарзандимиз. Отам кишлоқ мактабида ўқитувчи эдилар. Онам вафот этганларида мен йигирмада, кенжамиз, укам Қаҳрамон эса икки ярим ёшда эди. Уни ўзим катта қилдим. Онамининг исми Ҳосият бўлиб, у атроф-жаво-нибда барок, олача сингари ҳалокатна миллий гиламлар ва тўшамалари билан танилган эди. Ана шу хунари туфайли рўзғоримизга барака кириб турарди. Шўқри, у кишининг гилам тўқиш санъати биз, қизлари, келинлари ва кўплаб аёлларга мерос бўлиб қолди. Тўқиган ишлари эса ҳар биримизнинг хонадонимизда ҳали-ҳануз чўғдек ёниб турибди...

Онамнинг ўша ўрмак устида ўтирган ҳолатини тез-тез эслайман. Аёл бўлса-да, отам билан бирга ҳам уй юмушлари, ҳам катта бир рўзғор юқини кўтаришга етган ғайрати менга куч бағишлайди. Раҳбарликда ҳам онамининг ўша заҳматли, аммо натижаси самарали бўлган меҳнатини ўзимга мезон қилиб олганман. Демоқчиманки, ҳар бир масала, ҳар бир режани амалга оширишда етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, халқ билан маслаҳатлашиб, кўпчиллигининг талаб-таклифини инобатга олиб, энг муҳими, адолат ва очикилик билан иш юритишни қўндалик фаолиятимнинг дастуриламали, деб биламан. Имкониятдан фойдаланиб, юртимиз хотин-қизларини, барча оналаримизни шодлик ва нафосат айёми билан самимий табриклайман.

**Дилфуза ЎРОЛОВА,**  
Бобўт тумани ҳокими,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

## ХАЛҚ ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШ, ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМ

Аёл бор экан, ҳаёт бор, оила, фарзанд деган азиз ҳамда бебаҳо неъматлар ҳам бор. Аёл бор экан, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат бор, инсон қалбини, ҳаётини безайдиган "она Ватан" деган буюк тушунча, гўзал қадрият ва аъналар бор.

Айтиш жоиз, жамиятни демократик янгилаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантиришда бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарсаси билан қиёс-

ла бўлмайдиган ҳиссалари бор. Хусусан, Бухоро вилояти хотин-қизлари ҳақида ҳам шу фикрни айта олам.

Мутахассислигим шифокор. Мустақиллигимизнинг илк йилларида ушбу соҳада ишладим. Кейинчалик узоқ йиллар давомида Олот тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сўнгги пайтда туман ҳокими ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатдим. Бугун эса ушбу туман ҳокимиман.

Қаранг, бу ҳам биз, аёлларга кўрсатилаётган эътибордан далолат. Гендер тенгликни таъминлашга қаратилаётган ишлар самараси, албатта. Бунинг мен мамлакатимиз хотин-қизларига билдирилаётган юксак ишонч, деб биламан. Ўз навбатида, вилоятимиз тарихида хотин-қизлар орасида илк бор ҳоким аёл бўлганлигим ҳам менга катта масъулият юклайди.

Эндиликда мана шундай улкан ишонччи оқлаб, виждонан ишлашга, туманимизни ҳар соҳада намуна қилиб кўрсатадиган



худудга айлантиришга астойдил ҳаракат қиламан. Албатта, халқ ишончини қозониш, одамларни рози қилиш — асосий мақсадим бўлади.

**Наргиза НЁМАТОВА,**  
Олот тумани ҳокими.

## Цзян Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси

## ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАР МАСАЛАСИДА ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТЯПТИ?



**Биринчидан,** аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик такомиллаштирилипти. Ҳар икки мамлакат Конституцияси эркеклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги тамойилига асосланган. Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус ҳужжатлар такомиллаштирилипти, янги қонунлар ишлаб чиқилипти. Буларнинг барчаси хотин-қизларнинг жамиятдаги мақомини оширишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

**Иккинчидан,** аёллар мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг фаол иштирокчисига айланди. Статистикага кўра, 2017 йилда Хитойда партия ва маъмурий органлардаги аёл кадрларнинг улуши 26,5 фоизни ташкил этган бўлса, Хитой иқтисодиётидаги банд аҳолининг 40 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистондаги ҳолатга тўхталсак, ўтган йилнинг охирида бўлиб ўтган парламент сайлови натижалари қўллаб маълумотлар бера олади. Унга мувофиқ, рўйхатга олинган номзодлар

орасида аёлларнинг сони 40 фоиздан ошган бўлса, депутатлик ҳуқуқини олганлар орасида олдиндаги имкониятларига қараганда аёллар сонига нисбатан икки баравар кўпроқ, яъни 48 нафарни ташкил этди.

**Учинчидан,** аёллар саломатлигини сақлаш борасидаги ҳолат тобора яхшиланиб, уларнинг таълим олиш масалалари янада устувор даражага кўтарилмоқда. Хозирги кунда мамлакатларимизда туғуруқ вақтидаги тиббий хизматларнинг даражасини оширишга мунтазам ҳаракат қилинаётганлиги ва оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Аёлларнинг таълим тизимидаги имкониятларини кенгайтириш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилганлиги боис эндиликда янада кўпроқ аёллар олий таълим муассасаларида билим олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қизларнинг таълим олишлари учун алоҳида грантлар ажратилиши маълум қилди. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг хотин-қизларга бўлган эътибори юқори

эканлигининг яна бир исботи-дир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги муносабатлар кенг қўлаб касб этиб, икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш йўлидаги алоқалар сиёсат, иқтисодиёт, савдо ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларни қамраб олмақда. Таъкидлаш жоизки, Хитой ва Ўзбекистон аёллари ўртасидаги ҳамкорликда ҳам кўплаб натижаларга эришилди. Икки мамлакат аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги тегишли ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги, ўз навбатида, бизнинг умумий мақсадимизга катта ҳисса қўшмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг делегацияси Хитой ва Марказий Осиё аёллар форумида иштирок этиб, унда аёллар фаолиятига доир масалаларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўламини кенгайтириш бўйича тажриба алмашилди. Қўмита қўмағида 2019 йилда Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида хитойлик офтаълмоғлар Ўзбекистонда катаракта касаллиги билан оғриган 80 га яқин бемор

аёлларни бепул жарроҳлик йўли билан даволадилар. Йил якунида эса "Ёрқин йўл" номли халқаро экспресс хайрия акцияси доирасида бундай тадбир такроран ўтказилди. Унинг доирасида хитойлик тиббиёт мутахассислари 450 нафар аёл, булар ҳам кекса беморларга кўз нурини қайтардилар.

Яқинда Бутунхитой Хотин-қизлар федерацияси номидан Ўзбекистондаги аёллар меҳнатини қўллаб-қувватлаш мақсадида тикув машиналари топширилди. Иншоним қомилки, биз бирликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиздаги аёллар ҳаётида янада ёрқинроқ саҳифани очамиз.

Лаотофали аёлларни яна бир бор Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайман. Уларга сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, хонадонингизга тинчлик, файзу-барака тилайман. Кўнглингиздаги барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин. Баҳор гулларининг хушбўйи қори билан бирга ҳаётингизга шодлик ва фаровонлик кириб келсин, юзингиздан табассум аримасин, ҳар бир кунингиз бахтга тўлсин.

## ТАШАББУСКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ



Мамлакатимизда ижтимоий соҳада, хусусан, таълим тизимидаги фаолиятни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Айнан шу жабҳаларда хотин-қизларимизнинг фаолияти ҳам қамров, ҳам ташаббускорлик жиҳатидан кучайиб бораётганини сир эмас. Бу, албатта, бизга билдирилаётган ишонч, яратилаётган шароитлар билан бевосита боғлиқ.

Хотин-қизларнинг бошқарувдаги фаолияти кенгаётгани янги Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Ўзим мисолида айтадиган бўлсам, ўтган йилнинг ёзида Тошкент давлат шарқшунослик институтида ректор сифатида фаолият юрита бошладим. Бу, энг аввало, зиммага катта масъулият юклади. Қолаверса, таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этишда ва ёшларга тўғри таълим-тарбия беришда катта куч-ғайрат бағишлади.

Президентимизнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида аҳолини олий таълим билан таъминлаш қамровини кенгайтириш, айнқиса, қизларга қўшимча давлат гранти квоталари ажратилиши ҳақидаги фикрлари ёш қизларимизга ўзи севаган, ўзи танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиши учун имкониятини кенгайтиради, албатта. Зиёли, билимли қизларимизнинг фарзандлари ҳам келажақда жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга инти-

ладиган инсонлар сифатида камол топади. Демак, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётганини бевосита келажақка берилаётган эътибор, деб тушуниш керак.

Эндиликда турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендер ҳабардорлигини оширишга қўмлаштириш, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, гендер сиёсатини ҳаётга татиқ қилишни таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга. Олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва маляка ошириш курсларида гендер тенглик масалаларига оид ўқувларнинг амалга киритилиши ёшларимизни мазкур қонунда кўзда тутилган масалаларни тўғри талқин қилиш ва ҳаётда ўзаро ҳурмат асосида фаолият юритишга ўргатади.

Бугунги жараёндаги ҳар биримиздан фаол ҳаракат, жиддий масъулият ва ташаббускорлик талаб этилмоқда. Бунинг барчамиз тевран ағлаймиз. Масъулиятни ҳис этамиз.

Қуни кеча Президентимиз имзолаган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонда белгиланган қўллаб вазифаларнинг бажарилишида ҳам аёлларимиз фаол иштирок этишига ишончимиз қомил.

**Гулнеҳра РИХСИЕВА,**  
Тошкент давлат  
шарқшунослик институти  
ректори.

## ФАҚАТ СОҒЛОМ ИНСОН ВА СОҒЛОМ ХАЛҚ МИСЛСИЗ ИШЛАРГА ҚОДИР

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий диагностика аппаратлари билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли мен фаолият юритаётган пойтахтимиздаги 5-болалар клиник шифохонасида ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бу эса болалар билан боғлиқ турли касалликларни тезда аниқлаш, даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсон саломатлигини асрашдек шарафли ва масъулиятли касбда фаолият юритаётганимга бу йил ўттиз уч йил тўлди. Дастлаб неонатолог сифатида иш бошлаган бўлсам, ҳозирги кунда клиниканинг бош шифокориман. Муассасамизда чақалоқлардан тортиб, беш ёшгача бўлган болаларни даволаймиз. Бу тиббиётнинг ноэпик йўналиши бўлиб, шифокордан катта тажриба, билим ҳамда масъулиятни талаб этади. Оила бахти, келажақ давомчилари, юрт эртаси бўлиши болалар саломатлигини асрашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фойдаланаман.

Соғлиқни сақлаш соҳасида кадрларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳар биримизни чекисиз қувонтирапти. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойида нишонланган касб байрамимиз менга қўшалок бахт олиб келди. Биринчиси, Президентимизнинг тиббиёт ходимларига йўллаган табриғи бўлса, иккинчиси давлатимиз раҳбарининг "Тиббиёт ходимлари қуни

муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим.

**Маълумот ўрнида:**  
"Соғлом авлод учун" ордени 1993 йил 4 март куни таъсис этилган. У мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида қўндалик кўрсатган юртдошларимизга берилади. Бу орден билан, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин.

Ватанимизнинг илк ордени билан тақдирланган зиммага катта масъулият юклади, қучимга куч, ғайратимга ғайрат қўши. Келгуси фаолиятимда ҳам болалар саломатлигини асраш йўлида бор билим ва тажрибамни аямайман.

**Дилором ДАВЛЕТОВА,**  
Тошкент шаҳридаги  
5-болалар клиник  
шифохонаси бош  
шифокори, II даражали  
"Соғлом авлод учун"  
ордени соҳибаси.



# ДАВЛАТ ДАСТУРИ: ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Президентимизнинг шу йил 2 мартдаги Фармони билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Унда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, умуман айтганда, барча соҳани изчил ислоҳ қилишга қаратилган вазифалар белгиланган. Мухбиримиз ушбу ҳаётий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари фикрлари билан қизикди.

## Муносабат

**Актам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Мазкур ҳужжатнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у билан 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда мамлакатимиз фўкароси бўлиш истagini билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фўкароси, деб тан олиш тартиби жорий этилмоқда. Албатта, бу кўпчиликни неча йиллардан буён қийнаётган масалаларга ечим бўлади.

Бундан ташқари, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бۇзиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрй равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувни амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилаётир. Айниқса, янги ташкил қилинадиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмани етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Давлат бюджети маблагларидан 100 миллиард сўм ажрати-лаётгани электротимиз вакиллари бўлган тадбиркорлар учун муҳим янгилнк бўлди. Боиси бутун халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланиб бораётган тадбир-корларни ўйлантираётган долзарб масала-ларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида бел-

гиланган вазифалар, шубҳасиз, оилалар фаровонлигини таъминлаш билан бирга, юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Миллий тиклишни” демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Давлат дастурида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, 2020 йилдан бошлаб, парламент фаолияти-да фўкароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, электрон портал ва мобилъ иловадан фойдалануш им-конини берувчи “Электрон парламент” тизи-ми жорий этилади. Бу, ўз навбатида, сай-ловчилар билан бевосита мулоқот қилиш, қолаверса, жойлардаги мавжуд муаммолар-ни бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда ушбу масала партия сайловолди ташвиқоти давомида ташаббус қилинганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

2020 йил 1 июлга қадар “Meaning fikrim” веб-порталининг мобилъ иловаси ишга ту-ширилади. Веб-порталга келиб тушаётган му-рожаатлар депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинади. Бу аҳоли мурожаатлари эътибордан четда қолмаслигини кафолатлайди.

Умуман айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг янгича давлат бошқарувини шакллантиради. Давлат бошқаруви самара-

дорлигини оширади, очиклик ва шаффоф-ликни таъминлайди. Ўз навбатида, биз унинг ижросига эришишда фаол иштирок этиши-миз, барча ваколатлардан самарали фойда-ланишимиз мақсадга мувофиқ.

**Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Давлат дастурининг ҳар бир йўналиши-да жамиятда адолатни кафолатлаш, халқ фа-ровонлигини ошириш, ислохотларда жамо-атчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш у-стувор вазифа сифатида белгиланган.

Чунюнки “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг янги тахирини қабул қилиш назарда тутил-гани аҳамиятли. Унда судьялар мустақиллигини ва улар макроминг ҳуқуқий асосларини тако-миллаштириш кўзланган. Бу эса жамиятда адолат тамойиллари қарор топишни, пирова-рдидида халқимиз манфаатлари кафолатлан-ишини таъминлайди.

Дастуриламал ҳужжатда аҳоли саломат-лигини мустаҳкамлашда шифокорларнинг жа-миятдаги ўрни ва макомини кучайтириш, уларга муносиб меҳнат шaroити яратиш ва даромадини кўпайтириш масалалари ҳам акс этган. Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйи-ча амалий чора-тадбирлар белгиланган. Бу сазй-ҳаракатлар аҳолининг сифатли тиббий хизмат олишларини кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

Қисқиси, халқимиз муаммолари ечимига қаратилган, кенг жамоатчилик фикри, қола-верса, партияимз тақлифлари инобатга олин-ган ушбу дастурни амалга ошириш асосида мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривож-ланади, фўкароларимиз турмуш даражаси янада яхшиланади. Энг асосийси, дастур йўналишларидаги ҳар бир вазифа, ислохот-лар, аввало, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

**Улугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Аввало, ушбу дастур лойиҳаси жамоатчи-лик, мутахассислар ва экспертлар иштирокида

чқур таҳлил қилингани, билдирилган тақлиф-тавсиялар (улар 3 мингга яқин) дастуриламал ҳужжатда акс этганини таъкидлаш зарур. Дав-лат дастурининг бу тарзда тақлиф-мулоҳаза-лар учун очиқ бўлиши, фикрлар ҳисобга олини-ши халқ фикрининг кадри, ҳурмати ошётгани-дан далолат беради.

Дастурда нафақат Ҳукумат, айни пайтда парламентни халққа яқинлаштириш, тўғри-дан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилиш ва уларнинг истисноларсиз ижроси таъмин-ланишига эришиш бўйича вазифалар белги-ланди. Хусусан, бу йилдан Олий Мажлис па-латалари фаолиятида фўкаролар мурожаат-лари асосида парламент ва депутат сўров-ларини шакллантириш, “Электрон парламен-” тизимини татбиқ қилиш, кўйи палатада йил якуни бўйича қабул қилинган қонунлар халқимиз томонидан қандай баҳолангани ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш амалиёти жорий этилади.

Ўз навбатида, биз, парламент аъзолари Давлат дастурида белгиланган вазифалар тўлиқ бажариладими, ижро ҳоқимияти томо-нидан жойларда сустхашликка, ўзибуларчилик-ка йўл қўйилмадими, деган саволлар асосида қатъий парламент ва депутатлик назоратини амалга оширамиз.

**Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**

— Давлат дастурида белгиланган масала-лар ҳар жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга. Чу-нончи, унга мувофиқ, Қонунчилик палатаси-да йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини, унинг самарадорлик даражасини мони-торинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилаётгани фўкароларимизнинг бизга бўлган юксак ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, олди-мизга улкан масъулият ҳам юклайди.

2020 йил 1 июлдан бошлаб, кўйи палата мақлисларида давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзола-ри ва тармоклар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ри-вожлантириш борасида олиб борилаётган иш-лар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам ра-вишда эшитиш тартиби амалиётининг йўлга қўйилаётгани эса парламентнинг мавқeчини яна-да мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Албатта, бу жараёнда партияимз, унинг фракцияси фаол иштирок этади.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

гача барқарор ривожланиш со-ҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифалар амалга оширилиши-ни назорат қилувчи парламент комиссияси ташкил этилди.

Комиссия ўз фаолиятида камбағалликка барҳам бериш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан зўра-вонликка қарши курашиш, эколо-гия масалаларини ҳал этиш, гендер тенгликни таъминлаш ва бошқа йўналишларга алоҳи-да эътибор қаратиши таъкид-ланди.

**Мафтуна АЗИЗОВА.**

## ЭЛЧИЛАР ҲИСОБОТИНИ ЭШИТИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президентимиз “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Унга кўра, парламентсини, хусусан, Олий Мажлис Сенати зим-масига ҳам улкан вазифалар юклатилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 1 августдан бошлаб Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизи-ми йўлга қўйилади.

Бугун жамиятимизда янгиланиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар-да жамоатчилик ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Сенаторлар ва депутатлар халқ вакиллари сифа-тида янада ташаббускор бўлишлари лозим. Бу борада “Жамият — исло-хотлар ташаббускори” деган янги гоя кундалик ҳаётимизга кириб бориши назарда тутилмоқда. Хорижий давлатлардаги элчилар ҳисоботини эшитиш, халқроо экспертлар ва соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокида муҳокама этилган мавзүүлار, асосан, шу йўналишларга қаратилади.

Бунинг замирида жуда катта масъулият ётади. Сенаторлардан худудларни ривожлантириш масала-ларига алоҳида эътибор билан ёнда-шув талаб этилмоқда. Шу билан бир-га, миллий иқтисодиётимиз ривож-

ни таъминлаш масалаларида па-рламент ролини янада мустаҳкамлаш, халқро парламентлар тузилмалар билан ҳамкорлигини кучайтириш юқори палатанинг асосий фаолият йўна-лишларидан биридир.

Хорижий давлатлардаги элчила-римиз олий даражада эришилган ке-лишувларнинг самарали ижросини, яъни тўғридан-тўғри инвестициялар-нинг ўз ўрнида, муваффақиятли ки-риб боришини таъминлаш юзасидан ҳисобот берадилар.

Ўз навбатида, давлат дастурига мувофиқ, 2020 йил давомида юқори палатанинг халқро ташкилотлар би-лан ҳам алоқалари янада ривожланти-рилади. Мамлакатимизда БМТнинг 17 та барқарор ривожланиш мақсад-ларига эришиш юзасидан қатъий парламен назорати ўрнатилади ва Ҳукумат аъзоларининг ушбу масала бўйича тегишли ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий этилади.

**Равшанбек ОЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, таъқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

## МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Олий Мажлис Сенати — ҳудудий вакиллик палатаси сифатида, аввало, худудларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, халқнинг ичига кириб бориш, унинг муаммоларини ҳал қилишда ташаббускор бўлиши талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳам, давлат дастурида белгиланганидек, фаолиятимизда халқ билан мулоқот ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилади.

Бунинг учун фўкароларнинг муро-жаатлари билан ишлаш, аҳоли билан сайёр учрашувлар, қабуллар ўтказиш, одамларни қийнаётган му-аммоларни жойида ҳал қилиш фао-лиятимизнинг асосий қисмига айла-нади. Бунда маҳаллий ижро орган-лари, ташкилот ва муассаса раҳбар-лари, шунингдек, худудлардаги ма-ҳаллий Кенгаш депутатларини жалб қилган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг Сенатга келиб тушган мурожаатларида кўтарилган ҳар бир масала юзасидан қатъий чоралар қўрилади.

Бундан ташқари, қўмитамиз дасту-рининг Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича “Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида алоҳида умум-таълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича тажриба тариқасида ахборот тизимларини жорий этиш, ОТМлар талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда каммида тўрт маро-таба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имкониятининг тақдим эти-лиши каби масалаларга оид банд-

ларнинг ижросини парламент назo-ратига олади.

Олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки бара-вар қисқартириш, ОТМларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат бююртмасини икки баравар ошириш масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Умуман айтганда, бугун сенатор-лардан мамлакатимизда кечаётган ислохотларда етакчи, ташаббускор, парламент назорати институтининг фаол ижросица айланиш талаб этилмоқда. Биз, сенаторлар зимма-мизга юклатилган масъулиятли ва зифаларни бажариш, жойларда олиб борилаётган ислохотларнинг суръа-ти ва кўламини янада жонлантириш-га ҳаракат қиламиз. Ўзимизга бил-дирилган ишончни, албатта, оқлай-миз.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## ЯНГИ КОМИССИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкентда “2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича сазй-ҳаракатлар ўн йиллиги” ташаббусини амалга оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуман БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Олий Мажлис Сенати ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ташкил этилди.

Бундан 28 йил аввал Ўзбекис-тон Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган эди. Мулоқот давомида сана тарихи ва ўтган йиллар мо-байнида кўлга киритилган нати-

жалар хусусида сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева ишти-рок этди ва нутқ сўзлади. Сенат Раиси БМТ билан му-

носабатларни фаоллаштириш ва ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси мил-лий манфаатларига тўлиқ жавоб бeришини таъкидлади. 2030 йилгача БМТ кун тарти-бидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га босқичма-босқич эришиш БМТ ва Ўзбе-кистон ўртасидаги ҳамкорлик-нинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, 2017 — 2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикаси-

ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегияси нормалари БРМга тўлиқ ҳамоҳанглиги ва мослигига ўрғу берилди. Шун-дан келиб чиқиб, мамлакатимиз БМТнинг резолюциялари ва қарорларини амалда рўёбга чиқаришга, қолаверса, уларни бажариш учун ҳамкорликни ри-ножлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис палаталари томонидан 2030 йил-

## ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ



Буюк аждодимиз IX аср охири ва X аср биринчи ярмида дин-нинг асл моҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидадан саклаб қолиш борасида беқиёс ишлар-ни амалга оширган. Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанафа таълимотига суянган ҳолда, ўзига хос калом мактабини ярат-ган. Бу йил буюк ватандошимиз, ҳадис ва фикҳ илмининг равна-каси улкан хисса қўшган йирмик аллома Абу Мансур Мотуридий таваллудига 1150 йил тўлади.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўй-ича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар ака-демияси ва бошқа ташкилотлар томонидан Мисрининг Ал-Азхар мажмуаси билан ҳамкор-ликка ташкил этилди.

Унда Ал-Азхар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Таййиб бошчилигидаги делегация, шунингдек, Босния ва Герцеговина, Германия, Иордания, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Қирғизистон ва Қозғистон каби мамлакат-лардан 70 га яқин улаомалар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари иш-тирок этишди.

Конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз ташаббуси билан Ал-Азхар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Таййибга икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обу-эътиборини юксалтиришга қўшган хиссаси учун “Самар-қанд шаҳрининг фахрий фўкароси” макоми тантанали равишда топирилди.

Танаффус пайтида, шунингдек, Ал-Азхар мажмуаси раҳбарига Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг эзгу тилаклари ёзилган номаси ва Бурхониддин Марғинович “Ҳидоя” асарининг XIII асрга оид нусхаси — факсимилеси топирилди.

Анжуманининг ялли йиғилишида хорижлик меҳмонлар, шунингдек, улаомалар кенгаши ва Мусулмон донишмандлари кенгаши вакил-ларининг маърузалари тингланди.

Мазкур конференцияни ташкил этишдан кўзланган мақсад Имом Мотуридий илмий меросини янада чуқур ўрганиш, мотуридий-

лик таълимотининг инсонни тўғри йўлга бош-лашдаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда Ўзбекистоннинг буюк алломалар юрти сифатида ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссаси ва мавқeини жаҳон миқёси-да тарғиб этишдир. Бинобарин, Абу Мансур Мотуридий исломни нотўғри талқин қилиш оқибатида пайдо бўлган янглиш ақидаларга жавоблар топган. Ақида илмидаги итилоф-ли масалалар бўйича адолатли ечимларни тақлиф этган.

— Мазкур нуфузли анжуманда иштирок этиш мен учун катта шараф, — дейди Украина бош имом хатиби, муфтий Аҳмад Тамим. — Самарқанднинг Мотурид қишло-ғида туғилиб ўсган бу буюк имом ҳадис ва фикҳ илмининг равнакаси беқиёс улуш қўшган. Имом Мотуридий нафақат Марказ-ий Осиёда, балки бутун ислом оламида му-ҳим ўринга эга бўлган диний арбоблардан ҳисобланади. Чунки аллома яшаган даврда, ислом динида турли гуруҳ ва фирқалар сони кўпайиб кетганлиги сабабли қатор итилоф-лар келиб чиққан. Ана шундай вазиятда Имом Мотуридий ислом динининг асл мо-ҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидади саклаб қолиш борасида беқиёс ишларни амалга оширган. Бу илмий меросини ўрга-ниш ва кенг тарғиб этиш бугунги кун учун ҳам долзарб саналади. Шу маънода, мана шундай конференция ташкил қилинганини эътироф этиш жоиз.

Халқро конференциянинг очилиш маро-симида Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, Ўзбе-кистон мусулмонлари идораси раиси, муф-тий Усмонхон Алимов, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

А. УТАРБЕКОВ олган сурат.

## Биз ва жаҳон

## УРОШ ЎЧОҚЛАРИДАН ОЛИБ КЕЛИНГАНЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН НАМУНА КЎРСАТДИ

Кеча пойтахтимиздаги “Hilton” меҳмонхонасида Фўкаролик жамиятини ривожлантириш маркази ҳамда республика давлат идоралари билан ҳамкорликда “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлат-ларнинг вазирилик, идора ва фўкаро-лик жамияти институтлари масъул хо-димлари, мамлакатимизда акредита-циядан ўтган халқро ташкилот ҳамда дипломатик ваколатхоналар вакилла-ри, шунингдек, бир қатор хорижий экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда юртимизда экстремизм билан боғлиқ жиноятларда айбонган фўкароларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида “Жаҳолатга қарши — маърифат” та-моийли асосида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Диний ва сиёсий харак-тердаги бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолган Ўзбекистон фўкаро-ларини реабилитация қилиш йўли-

да мақсадли сиёсат юритилмоқда.

Сўнгги йилларда давлатимиз томо-нидан бундай фўкароларнинг тўлиқ ҳаётга қайтишлари учун шароит яратишга қаратилган бир қатор аниқ чоралар қабул қилинмоқда. Хусусан, 2017 йил июли оyiнда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан фўкароларни реабилитация қилиш йўлида қатъий қадам қўйилди. Ради-кал эътиқодларининг хатоларини ан-галаган ва давлат учун хавф туғдирмай-диган радикал ҳаракатлар тарафдор-ларининг “қора рўйхатлари” қайта кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз вилоятларида маҳал-лий ижро етувчи ҳоқимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, диний ва жамоат ташкилотлари вакил-

ларидан иборат махсус комиссиялар тузилди. Уларнинг мақсади давлат идо-ралари билан биргаликда фаол иш олиб борган ҳолда, экстремистик ғоялар таъсирига адашиб тушиб қолган фўкароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўлди.

Шунингдек, 2018 йилнинг сентябрь ойида террористик, экстремистик ёки бошқа таъкидланган ташкилот ва гуруҳ-ларга адашиб кириб қолган Ўзбекис-тон фўкароларини жиноий жавобгар-ликдан озод этиш, уларнинг жамиятга реинтеграция қилиш имкониятини таъминлаш тартиби тасдиқланди. 2017 йилдан бери диний экстремис-тик ҳаракатларга алоқадор шахслар-ни реабилитация қилишдаги муҳим қадамлардан яна бири — уларга нис-батан афв этиш ақтларидан фойдала-ниш бўлди. Юртимизда бу чора қамқо-да жазо ўтаётган 4 мингдан ортик ки-шиларга нисбатан қўлланилиб, улар қилган ишларидан чин дилдан пушай-мон бўлиб, ўзини ўзи тузатиш йўли-га қатъий киришган инсонлардир.

### Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий мувофиқлаштирувчиси:**

— Бу жуда ҳам муҳим воқеа. Чунки мазкур жараён Марказий Осиё давлатларининг жиқлигини кўрсатади. Ўз навбатида, фўкароларни Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келиш, ре-абилитация ҳамда реинтеграция қилиш бўйича фўкаролик жамияти, давлат ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўрта-сида ўзаро тажриба алмаштишда муҳим аҳамият касб этади. Фикримча, Ўзбекистон бу борада оқилона йўлни танлаб, қатор ишларни олиб борапти. Бунда халқро тан олинган стандартлар ҳамда БМТнинг бош тамойилларига риоя этиш, уларнинг амалдаги ижросини бевосита таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Бинобарин, буларнинг барчаси Сурия ва Ироқдан қайта-риб олиб келинган инсонлар, айниқса, аёллар ва болалар-ни реабилитация қилиш ҳамда жамиятга самарали қайта мослаштиришга замин яратяпти.

**Саша ГРАУМАНН**



Эксклюзив интервью

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲИ УЧУН ТРЕНД ДАРАЖАСИДА

*Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида иқтисодийётни рақамлаштириш вазифаси қўйилди ва бу нефть-газ соҳасида ҳам юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади. Маскур йўналишда И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида директор ўринбосари, филиал ижрочи директори, педагогика фанлари доктори, профессор Абдулла МАГРУПОВ билан суҳбатлашдик.*

— **Абдулла Махмудович, рақамли технологияларни жорий этиш нефть-газ саноати учун нечоғли долзарб ҳисобланади?**

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илм-фани янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси қилиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида “2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилинди. Бу эса, раҳбариятнинг ёшларга, Ўзбекистоннинг келгусидаги иқтисодий тараққиётга қанчалик катта эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Нефть-газ тармоғининг ривожини инновацияларни жорий этиш билан бевосита боғлиқ. Ушбу тармоқ рақамлаштириш ва инновация масаласида ҳаракатлантирувчи куч, дейиш мумкин. Сабаби, замонавий қазиб чиқариш мажмуалари шунчалик мураккаб, рақамли технологиялар, автоматик бошқарув, моделлаштириш, сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, модернизация ва соҳани қайта қуrolлантириш тадбирларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Геофизика ва сейсмик қидирув ишлари, нефть ва газ қудуқларини бурғилаш, қазиб олиш жараёнини автоматлаштириш, қувурлар тизими ҳамда транспорт инфратузилмасини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳисобини юритиш, экспорт, валюта ва солиқ тушумлари каби қатор амалиётларни рақамлаштириш ҳамда юқори энергия самарадорлигисиз амалга оширишнинг иложи йўқ. Энг янги рақамли технологиялар компаниялар учун тараққиётнинг юқори даражасига эришиш имконини беради. “Ақли конлар” деб аталувчи нефтни қайта ишлаш заводларининг “рақамли эгизаклари” инновация жорий этишда етакчилик қилмоқда, бу эса рақобатбардошлиқнинг энг муҳим элементи. Демак, талабалар филиалдаги таҳлили давомидида соҳа муҳандисларининг автоматлаштирилган ишчи ўринларига асос бўлиб хизмат қилувчи дастурий маҳсулотларни ўрганиши жуда муҳим.

— **Хўш, филиал битирувчилари рақамлаштирилган шaroитда ишлашга тайёрми? Бу борада қандай муаммолар мавжуд ва уларни ҳал қилиш йўллари белгиланганми?**

— Университетимиз муайян тармоқ учун ишчи-ходимлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Профессор-ўқитувчилар таркиби ҳам асосан, мутахассислардан иборат. Деярли ҳар бир кафедрамизда ишлаб чиқариш тренажерлари бор. Энди эса олдимизда ўз ишининг усталари бўлган кадрларни етиштириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланишни кучайтириш вазифаси турибди. Бунда талабаларнинг илғор билим ва малакаларни эгаллаши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Негаки, тоғ-геология шaroитлари йилдан-йилга ёмонлашмоқда, масалан, Сурхондарё вилояти каби захираларни қазиб олиш жараёни қийин бўлган жойларда кон ишларини бажариш борган сари мураккаблашиб, қимматга ҳам тушяпти. Бундан буюнги рақамли технологияларсиз, янги дастурий таъминотсиз ишлаш мумкин эмас.

Президентимиз Мурожаатномада геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш, геология фанини чуқур ўрганиш вақти келганини алоҳида таъкидлади. Бу геологияга оид предметларни ўқитишни яхшилаш бўйича бизга катта маъсулият юклайди. Жорий йил 17 апрель куни филиалимизда бўлиб ўтadиган Илмий тадқиқотлар инновацион марказининг очилиш маросими ҳам шу масалаларни самарали ҳал қилишга қаратилган. Ушбу

муҳим воқеа И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг 90 йиллигига бағишланади. Илмий марказ 30 дан ортиқ замонавий компьютер ва ишчи станциялари билан жиҳозланган бўлиб, нефть-газ соҳасининг барча йўналишини бирлаштиради, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш, тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади. Улар сирасига геологик-геофизик тадқиқотлар, маълумотлар интерпретацияси, уч ўлчамли моделлаштириш, гидродинамик моделлаштириш, хатар ва таваккалчиликларни ҳисоблаш ҳамда асослаш, катта ҳажмдаги маълумотлар статисти-

ларда ҳавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация ҳавфсизлиги” (техника фанлари), “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” (аниқ, табиий ва педагогик фанлар) мутахассисликлари бўйича фан доктори (DSs) ҳамда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгаш тузилиб, тасдиқланди. 2021 йилгача бизнинг ёш ўқитувчиларимиз бириктирилган бўлиб докторлик диссертацияларини филиалнинг ўзида ёқлайдилар.

Филиалда ишлаб чиқариш объектларининг ахборотларини олиш имконияти ва тегишли маълумотлар базаси яратилса, бу кадрлар тайёрлаш сифатини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатиб, илмий тадқиқот фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади. Келгусида у “Ишланмаларни бошқариш маркази” даражасига чиқади ва унда олий таълим муассасаси билан корхоналар ўртасида маълумотлар, тезкор қарорлар алмашинуви йўлга қўйилади.

— **Муқобил энергия манбалари кенг тарғиб қилинаётган бугунги шaroитда кўпчилик одамлар нефть соҳаси технологик жиҳатдан эскириб қолди, деб ҳисоблапти. Бундай қарашлар соҳага қизиқувчан талабаларни ўқишга қабул қилишга ҳалал бермайдими?**

— Филиалимизга кириш учун аби-

ги айтиб ўтилди. Бизнинг филиалимизда мақсадли қабул йўлга қўйилган, яъни талабалар орасида барча вилоятлар вакиллари бор. Нефть ва газ конлари, нефтни қайта ишлаш корхоналари бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб, аниқроғи, Бухоро, Навоий, Қарши, Нукус, Фарғона, Сурхондарёда жойлашганлиги учун битирувчиларимизнинг 90 фоизи вилоятларга ишга юборилади. Лекин таълим даргоҳимиз олдида турган муаммо — бу ўша нефть-газ соҳаси ривожланган вилоятларда алоҳида иқтидорли абитуриентларни излаш ва танлаб олиш тизими йўқлигидир. Бу муаммони ечиш йўли мавжудлиги кўриниб қолди. Масалан, филиалимиз Қашқадарё вилоятида ташкил этган тайёрлов бўлимининг ижобий тажрибасини ҳисобга олсак, шундай бўлимларни “Ўзбекнефтьгаз” АЖ эҳтиёжларига мувофиқ равишда яна Сурхондарё, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳам ташкил этса бўлади.

— **Филиалнинг нафакат республикаси, балки халқаро миқёсда ҳам рақобатбардошлигини сақлаб қолиш бўйича қандай вазифалар турибди?**

— Нефть ва газ тармоғини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли лойиҳалар янги типдаги олий таълим муассасасига бўлган эҳтиёжни ортиради.

Дейлик, филиал битирувчиларининг касбий лаёқати иш берувчилар ва меҳнат бозорининг талабларига тўла мос келмайди. Бас, шундай экан, “Илдам инновацион таълим” йўналишидаги вазифалар ижроси соҳадаги эҳтиёжга қараб янги тайёрлов йўналишларини очишни, магистрлик тайёргарлигини йўлга қўйишни, дарс ўтиш жараёнига тармоқнинг етакчи мутахассисларини жалб қилишни, битирувчиларда замонавий компетенцияларни шакллантиришни, шунингдек, хорижий олий ўқув юртлари билан қўшма таълим дастурларини амалга оширишни тақозо этади.

— **Давлат раҳбари томонидан ҳар бир олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасаси олдида етакчи хорижий университетлар ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиш вазифаси қўйилди. Бу йўналишда қандай ишлар олиб боришмоқда?**

— Бу борада биз Ҳиндистоннинг нефть соҳасидаги етакчи олий ўқув юрти бўлган “Pandit Deendayal Petroleum University” билан англашув меморандумини имзоладик. Гужарат штатида имзоланган ушбу ҳужжат нефть-газ тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, талабалар алмашинуви, ишлаб чиқариш ва ўқув-лаборатория амалиё-



коният пайдо бўлади. Ушбу базани доимий ривожлантириб борамиз. Пировардда у ҳудди ёзги мактабдай бўлади.

Ҳозирги кунда филиалимиз Ўзбекистонда халқаро интернет-олимпиадалар ва бакалавриат битирувчилари учун федерал интернет-имтиҳон ўтказиш бўйича сертификатга эга базавий майдон бўлиб ҳисобланади. “Губкинчи” талабалар томонидан нуфузли халқаро кўрик-танловларда қўлга киритилган олий даражадаги мукофотлар ҳам маскур билим даргоҳининг юқори сифат кўрсаткичларидан дарак беради.

— **Президентимиз Мурожаатномада ёшларнинг маънавий-ахлоқий ғазилатларини ривожлантириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу, албатта, мутахассислар тайёрлашда энг муҳим жиҳат, таълимнинг ажралмас қисми...**

— Йигит-қизларнинг жисмонан ва маънан етук шахс бўлиб етишишига алоҳида эътибор берамиз. Айни вақтда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида талабалар ишаш жойи яқинида замонавий спорт майдончаси қуриб битказилмоқда. Унда қўл түпи, теннис, волейбол, минифутбол билан шугулланиш мумкин бўлади. Талабаларимиз орасида яхши анъанага айланган тадбир — бу Меҳрибонлик уйи, “SOS — Болалар шаҳарчаси” ҳамда қўзи оғизлар маҳсул мактаб-интернати тарбияланувчилари учун “Очиқ эшиклар кўни” ўтказишдир. Яна бири — ҳар йили Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳридаги 125-маҳсул мактаб-интернатида совғалар олиб борилади.

Орол фожиасининг салбий оқибатларини яхши англаган ҳолда, филиалимиз талабалари экологик ташаббус доирасида Нукус шаҳрига бориб, мактабларда семинар машғулотларини ташкил этишди. У ерда бўлиб ўтган “Оролбўйи — экологик инновация ва технологиялар зонаси” мавзусидаги халқаро конференцияда филиал директори, техника фанлари доктори, профессор Александр Максименко ҳамда Нефть конларини қазаш ва улардан фойдаланиш кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Алексей Денгаев ўз илмий тадқиқотларининг натижаларини тақдим қилдилар. Муҳоама яқинида қўра, Нукусдаги синов майдончалари ва бево-сита Орол ҳудудида “Губкинчилар”нинг инновациясини давом эттириш ҳақида қарор қабул қилинди. Инновация моҳияти — галопфиль ўсимликлар қуриган денгиз тубида яхши илдиқ отиб, ўсиб кетиши учун уларнинг уруғига маҳсул ишлов беришдан иборат.

— **Эшитишимизча, олий таълим даргоҳингизда бошқа тадбирларга ҳам тайёргарлик кетаётган экан...**

— Ҳа. “Жаҳолатга қарши маърифат билан” деган хайрли гоани қўллаб-қувватлаган ҳолда, филиалимизда диний бағрикенглик мавзусига тегишли, шунингдек, буюк аллома Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади. Яна Хотира ва Қадрлаш кўни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш доирасида уруш ва меҳнат фахриларининг хонадонларига бориб, хабар олишни режалаштирганмиз. Талабаларнинг бадий ҳаваскорлик йўналишидаги театр жамоаси — “Рандеву” эса алоҳида сахна чиқишини тайёрлапти.

— **Филиалнинг 12 йиллик фаолиятини сарҳисоб қилсак, ҳеч мунобағасиз айтиш мумкинки, муайян ютуқларга эришилган. Шу билан бир қаторда олдинда ривожланишининг янги уфқлари кўриниб турибди.**

— Энг асосийси, рақамлаштиришни жадалроқ йўлга қўйиш. Шунда таълим даргоҳимизнинг фаолияти ўзининг инновацион характери билан ажралиб туради. Филиалимиз бугунги кунда талаб катта бўлган таълимий ва илмий хизматларни тақдим этади, ёшларнинг ҳам, жиҳатлиги юқори даражага чиқади, халқаро фаолият ҳам кучаяди. Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть ва газ сектори учун сифатли, рақобатбардош мутахассислар етиштиради.

**Сардор ЛОЧИНБЕКОВ**  
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.



**Жорий йил 17 апрель кўни филиалда Илмий тадқиқотлар инновацион марказининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу воқеа И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг 90 йиллигига бағишланади. 30 дан ортиқ замонавий компьютер ва ишчи станциялари билан жиҳозланган илмий марказ нефть-газ соҳасининг барча йўналишини бирлаштиради, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш, тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади.**

касини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, тармоқ корхоналарининг буюртмаларини бажариш кабилар қиради.

Инновацион марказнинг ишга туширилиши илғор услубиёт, технология ва асбоб-ускуналарни шaroитимизга мослаштиришга, энг асосийси, геология мактабини яратишга хизмат қилади. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар қўли кенгайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори билан филиалимизда “Фавқулодда вазият-



риентлар ўртасидаги танлов-рақобат йилдан-йилга ўсмоқда, бўлимлар сони ҳам кейинги йилларда 12 тагача кўпайди. Мана шунинг ўзиёқ нефть-газ тармоғи учун мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни кўрсатиб турибди. Тармоқнинг замонавий кўринишини тарғиб қилиш масаласи эса, айнан рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш орқали ҳал қилинмоқда.

Президент Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг чеҳра ҳудудларида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўпи-

Демак, филиалимизнинг стратегик мақсади ҳам “таълим — фан — ишлаб чиқариш” училигини бирлаштириш асосида соҳани инновацион ривожлантириш бўйича етакчи муассасаларга айланиш. Бу эса мазмунан ва ташкилий жиҳатдан ноанъанавий ечимларни талаб қилади. Шу боис тармоқ корхоналари билан узвий ҳамкорлигимиз натижасида қатор долзарб масалалар аниқланди ва уларни ҳал қилиш, филиал фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида устувор йўналишлар белгилаб олинди.

тини ташкил қилиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлашни кўзда тутди.

Ўтган йили ёзда “Eriell Group” ва “Enter Engineering” базасида амалиёт ўтказилди ҳамда талабаларга учинчи даражали стропалчи, газлайвандчи, бурғиловчи ёрдамчиси каби ишчи касблари берилди. Ўзимизда амалиёт ўташ базаси ташкил этилса, шартнома тузиш ва ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйиш учун им-

**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**  
боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

**«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 7, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.**



Маҳсулотлар сертификатланган ва қафолатланган.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй.  
Мўлжал: Crafterс фабрикаси ва Ҳарбий госпиталъ.  
Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 95-479-79-89.  
**www.motoblok.uz** **t.me/motoblokuz**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 62 878 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Телефонлар: 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Таҳриратта келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳриратта марказда термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6